



«Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича ИК»  
бўшқармаси бошлиги

2022 й

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Тошлоқ МФЙга 6 км масофадан сув тармоғи тортиш.

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### 1. Умумий маълумотлар

#### 1.1 . Буюртмачи

“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича ИК”  
бошқармаси

Манзил:

Наманган шахри Навоий кўчаси 24-үй

Бош директор:

М.Бобажанов

1.2. “Наманган вилоят Сув инжиниринг компаниясининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами лойиха учун **75 839 000 сум**  
қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

### 2. Танлов мақсади.

2.1. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Тошлоқ МФЙга 6 км масофадан сув тармоғи тортиш.

### 3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

### 4. Ижроига бўлган талаб.

4.1. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Тошлоқ МФЙга 6 км масофадан сув тармоғи тортиш.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ куйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

1. Ушбу танлов ҳужжатлари буйича кафолат хати (форма №2)  
Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот (форма №3)

registr.stat.uz маълумоти

Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи ҳужжатлар нусхалари

Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.

Молиявий курсаткичлари.

2. Солик ва бошқа мажбурий туловлардан карзи йуклиги хакида маълумот

3. Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги түғрисида маълумот

4. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

5. Коррупциявий холатларни олдини олиш тугрисида ариза

6. шу соҳада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси.

7. Банк айланма маблағлари

Объект билан таништанлик тугрисида маълумот. Фото илова килиниши шарт.

4.4. Куйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тутатиш ёки банкродлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солик ва бошқа мажбурий тўловлар буйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи куйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўtkазувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

#### 5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўrsatилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варап фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варап фактура тақдим этилган санадан бошлиб 3 ой давомида амалга оширилади.

## Күрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган шаҳар Юқори Қораёнтоқ МФЙ ҳудудидаги Қораёнтоқ кўчасига 2,0 км, Қораёнтоқ -1 кўчасига 1 км ҳамда Янгиҳаёт кўчасига 1,5 км жами 4,1 км ичимлик сув тармоғи тортиш.Лойиха ташкилотини саралаш бўйича	Лойиха ишларини бажарини

**БҮЮРТМАЧИ:**

**“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК”  
бошқармаси**

Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Тошлоқ МФЙга 6 км  
масофадан сув тармоғи тортиш.

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлик тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тартиби асосида ишлаб чиқилди

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

#### **1. Наманган вилояти Наманган вилояти Тўракўрғон тумани Тошлоқ МФЙга 6 км масофадан сув тармоғи тортиш.**

**1.2. Танлов охирги қиймати – жами кўрсатилган хизмат учун 75839000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.**

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1. “Наманган вилоят Сув ИК (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.**

“Буюртмачи” манзили: Наманган вилояти

**2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади**

**2.3. Танлов etender.uzex.uz сайтида электрон усулда “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.**

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.**

**3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги талаблар қўйилади:**

1. Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати.(ф-2)

2. Танлов иштирокчиси тұғрисида умумий маълумот (ф-3).

3. Давлат руйхатидан утганлиги тұғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.

4. Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тұғрисида маълумот.

5. Молиявий курсаткичлари.

6. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камидаги 3 йиллик иш тажрибаси тұғрисида маълумот.

7. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот  
8. Коррупциявий холатларни олдини олиш тугрисида ариза

9. Объект билан танишганлик тугрисида маълумот. Фото илова килиниши шарт.

10. Давлат активларини бошқариш агентлитининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисида маълумот

11. Солик ва бошқа мажбурий туловлардан карзи йуклиги ҳакида маълумот

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиши ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодалангандек бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳакида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра рус ва ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгаришиш кириши хукуқига эга.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда

давлат буюртмачиси билан ўрнатылған тартибда ва муддаттарда шартнома түзишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тұғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақлы. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йүл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилған ахборот ўзгартирилған бўлса, танлов ўтказиш тұғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тұғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилған таклифда кўрсатилған шартлар асосида тузилади

## Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати

1. Ушбу танлов хужжатлари буйича кафолат хати (форма №2)

Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот (форма №3)

registr.stat.uz маълумоти

Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари

Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.

Молиявий курсаткичлари.

2. Солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи йуклиги хакида маълумот

3. Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги түгрисида маълумот

4. Инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

5. Коррупциявий ҳолатларни олдини олиш тугрисида ариза

6. Шу соҳада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси.

7. Банк айланма маблағлари

Объект билан танишганлик тугрисида маълумот. Фото илова килиниши шарт.

*Форма № 2*

*ИШТИРОКЧИ МАХСУС БЛАНКАСИДА*

№: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси раисига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу оркали шуни маълум киламизки, \_\_\_\_\_ (*корона номи*)

- Тугатиш, кайта ташкил этиш ёки банкротлик ёкасида эмаслиги;
- Суд ёки арбитраж мухокамалари холатида эмаслиги;
- Муқаддам тузилган шартномалар доирасида мажбуриятларни бажармаслик холатлари мавжуд эмаслиги;
- «Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида эмаслиги;
- Иш хаки, солик ва бошқа давлат мажбурий туловларидан муддати утган карздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Рахбар: \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

Бош хисобчи \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

Хукукшунос \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

*Форма № 3*

**Иштирокчи тугрисида тулик умумий маълумотларা**

1	Юридик ташкилотнинг туликноми, ташкилий хукукий формаси курсатилган холда	
2	Давлат руйхатидан утганлик тугрисида гувохнома (санаси, руйхатдан утганлик раками, руйхатдан утказилган орган номи)	
3	Юридик манзили	
4	Контакт телефон, факс, e-mail	
5	Банк реквизитлари	
6	Асосийфаолият тури	

**Талаб килинаётган ёки ухшаш турдаги хизматларни бажариш тажрибаси тугрисида  
маълумот**

№	Хизматлар номи	Буюртмачи номи ва манзили, раками	Бажарилган санаси, суммаси	Изоз

*(ваколатлишаҳсимзоси)*

*(ваколатлишаҳсиф.и.о, лавозими)*

Сана: «\_\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_й.

**Илова №2**

**Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.**

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жиҳатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куийдати критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

**Танлов таклифларини хамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш  
КРИТЕРИЙЛАРИ**

№	Критерийларноми, мазмунни	Форма	Энг юкори балл	% хисобид а
1.	Ушбу танлов хужжатлари буйича кафолат хати (форма №2) Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот (форма №3) registr.stat.uz маълумоти  Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари  Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.  Молиявий курсаткичлари.	Форма №2	14,3	100%
2.	Солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи йўклиги хакида маълумот	Форма №3	14,3	
3.	Давлат активларини бошқариши агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисида маълумот		14,3	
4.	Инсофиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги		14,3	
5.	Коррупциявий холатларни олдини олиш тугрисида ариза		14,3	
6.	Охириги 3 йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси.		14,3	
7.	Банк айланма маблағлари Объект билан танишганлик тугрисида маълумот. Фото илова килиниши шарт.		14,2	

Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи.  
(система томонидан)